

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА
ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ



КЕЧА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ХОДИМЛАРИ-
НИНГ ОБЛАСТЬ КЕНГАШИ БЎЛДИ.
КЕНГАШ ҚАТНАШЧИЛАРИ РЕСПУБ-
ЛИКАМИЗ ПОЙТАХТ ОБЛАСТИНИНГ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ХОДИМЛАРИ БЕШ
ЙИЛЛИКНИНГ ЗАРБДОР ЙИЛИ МАЖ-
БУРИЯТЛАРИНИ БАЖАРИБ, ОНА-
ВАТАНГА БЕРГАН СЎЗЛАРИНИНГ
УСТИДАН ЧИҚАДИЛАР, ДЕБ ҚАТЪИЙ
ИШОНЧ БИЛДИРИЛАР.

ЮКСАК СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРНИ АЛБАТТА БАЖАРАМИЗ!

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ХОДИМЛАРИ ОБЛАСТЬ КЕНГАШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ БАРЧА ҚИШЛОҚ МЕХНАТКАШЛАРИГА
МУРОЖААТИ

ҚАДРЛИ ЎРТОҚЛАР!

Учинчи беш йилликнинг учинчи—зарбдор йили-
да областимиз қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари
олдида улкан ва масъулиятли вазифалар турбди.
Азамат деҳқон ва чорвадорларимиз КПСС XXV
съезди, партия Марказий Комитетининг декабрь
(1977 й.) Пленуми қарорларига, КПСС Марказий
Комитети, СССР Министрлар Совети ВЦСПС ва
ВЛКСМ Марказий Комитетининг Совет Иттифо-
қи меҳнаткашларига Мақтубига жавобан бу йил
гектаридан 33 центнердан пахта ҳосили етишти-
риш ва она-Ватанга 450 минг тонна «оқ олтин»,
310 минг тонна қаноп, 110 минг тонна дон,
676 минг тонна сабзавот, мева, ҳамда картошка,
34,3 минг тонна гўшт, 126,7 минг тонна сўт, 273
миллион лона тухум ва кўплаб бошқа қишлоқ хў-
жалиги маҳсулотларини армуғон этиш мажбури-
ятларини олдилар.

Областимизнинг қишлоқ хўжалик меҳнаткашла-
ри КПСС Марказий Комитетининг Бош секрета-
ри, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Коми-
тетининг декабрь (1977 й.) Пленумида Сибирь
ва Ўзқо Шарқ районларига қилган сафарларида
ҳамда ВЛКСМнинг XVIII съездида сўзлаган нутқ-
ларидан келиб чиқадиган вазифаларни амалга
ошира бориб, социалистик мусобақани кенг авж
олдириб, дастлабки самарали ютуқларни қўлга
киртишмоқдалар.

Давлатга пилла сотиш социалистик мажбурияти-
миз муқаддас илгари бажарилди. Колхоз ва
совхозларимизда мўл ғалла, сабзавот, картошка,
мева ҳосили ва чорвачилик маҳсулотлари етишти-
рилди. Уларни давлатга сотиш ишлари кун сайин
авж олмақда.

Қишлоқ хўжалигимизнинг етакчи соҳаси—пахта-
чиликда экин кампанияси зўр уюшқоқлик билан
ўтказилди, қисқа кунлар ичида ерга барака уруғи
қалабди. Аммо баҳорнинг ноқулай келиши иши-
мизда катта қийинчиликлар тугдирди.

Азамат пахтакорларимиз табиятдан нېғом—эҳ-
сон кутинишга, қўл қовуштириб ўтиришга одатлан-
маганлар. Улар табият инжиқликларига, пахтакор-
лик бурчиға салоқатларини, ғайрат-шижоатларини,
метиндек ирода, сабот-матонатлари, бутун маҳор-
атларини қарши қўйиб, табиий офат оқибатлари-
ни тугатмоқдалар. Кўпчилик майдонларда гўзал-
лар ёппасига шоналяпти, илгор бригадалар ва хў-
жаликларда эса гуллаяпти.

Лекин областимиз бўйича гўзаниннг ўсиши ва ри-
вожланиши ўтган йилдагидан 10—15 кун кечик-
моқда, айрим майдонларда кўчатлар сийрак бўлиб
қолган пайкаллар ҳам йўқ эмас. Ана шундай аҳ-
волни назарда тутганда, юксак мажбуриятга яра-
ша мўл ҳосил етиштиришни таъминлаш учун ўртоқ
Леонид Ильич Брежнев айтганларидек, «ҳаво, ҳа-
во билан, иш, иш билан» шioriрга қаттиқ амал
қилиб кўп иш қилишимиз керак.

Областимиз пахтакорлари бу йилги об-ҳаво
қийинчиликларини мардонавор енгиш учун июнь,
июль, август ойларини гўза парваришида зарбдор
давр деб эълон қилдилар. Бу зарбдор 90 кун
ичида пахтазорда фидокорона меҳнат қилиш, юра-

тида ўти, билагида кучи бўлган ҳар бир пахтакор-
нинг виждон бурчи, шон-шараф ишидир.

Гап шундаки, азиз пахтакорлар, бу йилги ша-
рондта ўсимликнинг ҳолатини ҳисобга олиб, ҳар
бир бригадала агротехника тадбирларини изчил-
лик билан амалга оширсак, табақалаб парвариш
ўтказиш усулига риоя қилсак, ички имконият ва
резервларни маълум мақсад йўлига сафарбар эта
билсак, ҳар қандай шарондта ҳам юксак мажбу-
риятлар даражасида мўл ҳосил етиштиришимиз
мумкин.

Гўза парваришини кучайтириш, мўл «оқ олтин»
ҳосилини етиштириш кўп жиҳатдан механизатор
ва сувчиларимизга боғлиқдир. Уларни халқимиз
бежиз ҳосил тақдирини ҳал қилувчилар деб ата-
майдилар. Шундай экан, ҳар бир механизатор ва
сувчи бу номга яраша меҳнат қилиб, барча пахта-
корларга ўрнак бўлмоғи лозим.

Қадрли механизатор ўртоқлар!

Бу йилги шарондта гўза қатор ораларига иш-
лов беришни агротехника қондалари асосида, ўз
вақтида ва сифатли ўтказиш жуда катта аҳамият-
га эгадир.

Ҳозирги пайтда хўжаликларимиз етарли миқдор-
да чопиқ тракторлари ва культиваторлар билан
таъминланган. Уларнинг самарали, тинимсиз иш-
лашини таъминлаш—ҳар бир механизаторнинг
энг муҳим вазифасидир.

Култивация сифати—ишимизнинг асосий мезо-
ни бўлмоғи лозим. Гўза қатор ораларига сифатли
ишлов бериш учун культиваторларда ишчи орган-
ларини тула-тўқис бўлишига эришайлик. Тез-тез ва
сифатли ўтказиладиган култивация ортиқча на-
ми қочириб ва тупроқни қиздириш имконини бери-
шини унутмаслигимиз лозим. Шунинг учун култи-
вация суръатини оширайлик. Ҳар бир култиваци-
ядан сўнг тезлик билан сугориш учун эгат олини-
ш таъминлайлик. Шундай қилганимизда ерининг
бағри очилиб, қуёш тушадиган ер сатҳи кенгайди.
Чуқур ва кенг култивация тупроқни «ҳаракат»га
келтиради, бу эса гўзани амал олишини янада тез-
лаштиради.

Биз гўзани култивация қилиш билан бир қа-
торда, уни озиклантиришни ҳам амалга ошириш
чораларини кўрмоғимиз лозим. Бу йилги шарондта
гўзани эрта озиклантиришда ҳикмат кўпдир. Ўғит,
гўзаниннг ўсишини тезлаштириш билан бирга, уларнинг
барвақт шоналяши, гуллаши ва кўсаклаши, эрта-
пишар мўл пахта ҳосили олишини таъминлайди.
Шунинг учун ҳар бир хўжаликда гўзани озиклан-
тиришни 1 июлгача тугаллаш учун барча чоралар-
ни кўрайлик!

Ўсиш ва ривожлантиришдан орқада қолаётган,
айниқса май ойининг охирида ва июнь ойининг
бошларида қайта экилган майдонлардаги гўзалар-
ни қўшимча озиклантиришга алоҳида эътибор бе-
райлик. Бу пайкаллардаги гўзалар ҳар йилдаги
қараганда камиди 1—2 марта қўшимча озиклан-
тиришни талаб қилади. Гўзани озиклантиришда Ок-
қўрғон райони пахтакорларидан ўрнак олиб, ма-
ҳаллий ўғитлардан самарали фойдаланишни кенг
йўлга қўйайлик!

Бунинг учун махсус мослама машиналардан юк-

сак унум билан фойдаланишни таъминлайлик.

Пахта далаларида қишлоқ хўжалик зараркуна-
даларига қарши кураш чораларини ҳар томонла-
ма кучайтирайлик. Ҳашаротлар аниқланган май-
донларда зудлик билан уларни қириб ташлашни
таъминлайлик.

Далаларда кўчатларнинг бут бўлиши, ҳар бир
туп гўзаниннг кўзқорачиғидай асраб, парвариш
қилиниши, бу кўчатларни ҳосил йигим-терими дав-
рига қадар сақлаб қолинишини ҳар бир механизатор
ўзининг энг муҳим вазифаси деб билимоғи ло-
зим. Бунинг учун гўзага ишлов бериладиган пай-
калда ҳар бир механизатор гўят эҳтиёткорлик бил-
лан ишлаши, бирор туп гўзаниннг ҳам нобуд бўли-
шига йўл қўймаслиги керак.

Пахтакорларимиз, механизаторларимизни гўза-
ларининг суянган тоғи деб атайдилар. Шунинг учун
ҳам ҳар бир дала гвардиячиси бу номга яраша гў-
за парвариши учун курашининг биринчи сафарида
бўлмоғи лозим.

Қадрли сувчи ўртоқлар!

Гўза—сув билан тирик. У экиннинг қони ва
жони. Сувчи эса—гўзани яшнатувчи. Бу йилги
шарондта ҳар бир сувчи гўят тадбиркорлик билан
иш юритмоғи, бутун тажрибасини ва маҳоратини
ишга солмоғи лозим.

Сувчи шунинг унутмаслиги керакки, агарда гўза
меёрида сифатли сугорилса, ривожланиши тезла-
шади, ҳосил нишонларига беварида, пахтамиз та-
розини босадиган баракади бўлади.

Ҳарорат кун сайин кўтарилиши тугайли, гўза-
нинг сувга бўлган талаби ортиб бормоқда. Ана шу
шарондта шовиш қолмаслик, гўзани пала-партиш
бостириб ёки қондилмай сугоришга йўл қўймаслик
учун ҳозирдан бошлаб ҳар бир хўжаликда суго-
риш суръатини ошириб бораёлик. Сугоришни ўз
вақтида ва сифатли ўтказиш учун ҳар бир бри-
гада керакли миқдорда тажрибали сувчи кадрлар-
нинг кеча-кундуз ишлашини таъминлайлик.

Сувчиларимиз, азамат механизаторларимиз бил-
лан ҳамкорликда иш олиб боришлари муҳимдир.
Гўза култивация қилиниб, озиклантирилган пай-
калларда пешма-пеш сув ташарини таъминлайлик.
Сувдан чиққан далалар етилиши билан тезликда
култивация қилинишига эришайлик.

Сувчи меҳнати—хирмон зийнатидир. Биз си-
зларни ўз меҳнатингизни аямасдан гўзани суго-
ришни ўз вақтида ва сифатли ўтказиб, пахтадан
мўл ва эртапишар ҳосил етиштиришингизга ишо-
намиз.

Азиз пахтакор ўртоқлар!

Пахта бизнинг шон-шўхратимиз, кўп миллатли
совет халқи олдидаги интернационал бурчимиз,
қолаверса ризқи-рўзимиздир. Республикаимизнинг
барча пахтакорлари сингари, областимиз заршун-
нослари ҳам Ватан, халқ, партия олдида берган
ваъдаларига вафодор, касбларига садоқатли экан-
ликларини кўп марта амалда исботлаб келганлар.
Аминмизки, бу йилги ноқулай об-ҳаво шаронд-
рига қарамай, Тошкент область пахта усталари
яна ўз сўзларининг устидан чиқадиладар ва 430 минг
тонналик маррани шак-шубҳасиз эгаллаб, респуб-
ликаимизнинг 5 миллион 550 минг тонналик «оқ ол-
тин» ҳирмонига ўзларининг муносиб ҳиссаларини
қўшадиладар. Ана шу олийжаноб иш учун ўз ҳисса-
ни қўшишга аҳд қилган ҳар бир киши пахтазорга
чиқсин, ўзини мардлар майдонида кўрсатсин!

Қадрли ғаллакор ўртоқлар!

Бу йилги шарондта колхоз ва совхозларимизда
ғалладан мўл ҳосил етиштирилди. Уни тезлик бил-
лан нес-нобуд қилмасдан йиғиштириб олайлик,
давлатга дон сотиш топшириқларини тез кунлар
ичида бажарилишини таъминлайлик! Ҳар бир хў-
жаликда келгуси йил ҳосил учун етарли миқдорда
сифатли уруғларни жамғариб қўйайлик. Сугорила-
диган ерларда экилган ғалладан бўшаган майдон-
ларга тезлик билан кечки сабзавот, картошка ва
озуқа экинларини, яқин кунлар ичида экиб олай-
лик. Дон учун экилган маккажўхори ва шולי пар-
варшини кучайтириб, мўл ҳосил етиштиришни
таъминлайлик.

Қадрли сабзавоткорлар, боғбон ва соҳибкор ўр-
тоқлар!

Колхоз ва совхозларимизда сабзавот, картошка,
қовун-тарвуз, мева ва узумдан мўл ҳосил етишти-
райлик. Бунинг учун бу экинлар билан банд бўл-
ган майдонларда агротехник тадбирларни ўз вақ-
тида ва сифатли ўтказишга эришайлик! Етишти-
рилган ҳосилни тезлик билан йиғиштириб олишга,
уларни давлатга топшириш суръатларини янада
тезлаштиришга эришайлик. Бирон-бир дон саба-
вотни, мева ва бирон-бир шингил узумни нобуд
бўлишига йўл қўймасдан, маҳсулот сифатини оши-
ришни таъминлайлик.

Қадрли чорвадор ўртоқлар!

Ҳар бир хўжаликда чорвачиликни ривожланти-
риш, гўшт, сўт, тухум етиштиришни ва давлатга
сотишни кескин кўпайтириш соҳасида белгиланган
чора ва тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш
учун ойлик, квартал, йиллик топшириқларини сўз-
сиз бажарилишини таъминлайлик. Ҳар бир колхоз
ва совхозда озуқа экинлари парваришини яхши-
лайлик, ем-хашак жамғариш ишларини кескин ку-
чайтирайлик. Силос, сенаж, ўт талқони ва дағал
ҳашак таёйёрлаш топшириқларини албатта бажар-
илишига эришиб, ҳар бир хўжаликда кам деган-
да икки йиллик талаб ҳажмида озуқа жамғариш
лозим.

Биз қишлоқ хўжалик ҳодимлари кенгаши қат-
нашчилари Ўзбекистон Компартияси Марказий Ко-
митети, республика ҳукуматини ишонтариб айта-
мизки, областимизнинг ҳаммаи сўзи билан иш
бир бўлган колхозчилари, совхоз ишчилари, барча
меҳнаткашлари партия ва совет ташкилотлари
раҳбарлигида ҳеч шубҳасиз, бу йил ҳам кўтарин-
ки руҳ, зўр ғайрат ва шижоат билан ташаббус кўр-
сатиб пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулот-
ларини етиштириш ва давлатга сотишни кўпайти-
риш соҳасида 1978—зарбдор йилда ўз эниммала-
рига қабул қилган социалистик мажбуриятларини
сўзсиз бажарилишини таъминлайдилар ва СССР
Конституцияси қабул қилинганлигининг бир йил-
лигини муносиб кутиб оладилар.

Мурожаат 1978 йил 22 июнда область қишлоқ
хўжалик ҳодимларининг йиғилишида муҳока-
ма этилиб, қабул қилинди.

ОБЛАСТЬ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ХОДИМЛАРИНИНГ КЕНГАШИ

Кеча Тўйтепада область қишлоқ хўжалик ҳодимла-
рининг кенгаши бўлиб ўтди.
Кенгаши область партия
комитетининг иккинчи сек-
ретари Б. В. Окунский оч-
ди. Кенгашда область пар-
тия комитети секретари ўр-
тоқ М. М. Мусахонов «Об-
ласть қишлоқ хўжалик меҳ-
наткашларининг 1978 йил
учун олган социалистик
мажбуриятларининг сўзсиз
бажарилишини таъминлаш
тадбирлари ҳақида» доклад
қилди.

Областимиз ишчи ва
деҳқонлари 1978 йилга қа-
бул қилинган юксак соци-
алистик мажбуриятларини
муқаддас илгари ошириб
бажариш учун халқ хўжали-
гининг барча соҳаларида та-
шабуус кўрсатиб, қаҳрамон-
она меҳнат қилмоқдалар,—
деди докладчи.

Областимизнинг саноат
корхоналари шу йилнинг ў-
ган 5 июнида 2 миллиард 143
минг сўмлик маҳсулот ре-
ализация қилишга эришди-

лар. Шу жумладан 66 мил-
лион сўмлик маҳсулот план-
дан ошиқча сотилди. Бу эса
5 ойлик мажбуриятларимиз-
га нисбатан 9 миллион сўм-
га кўпдир.

Қўрилиш ташкилотлари
эса янги қувватларни ишга
тутиришлари, кўплаб турар
жой, маданий-маиший об-
ъектларни фойдаланишга то-
пишларида, ўтган беш ойда
342 миллион сўм капитал
маблагларни фўланштиришга
эришилдилар. Бу эса ўтган
йилнинг шу даврига нисба-
тан 10 процентга кўпдир.
Қишлоқ хўжалигимизнинг
марду-майдон меҳнаткашла-
ри ҳам саноат корхоналари,
қурилиш ташкилотларининг
ишчилари билан бир қатор-
да 1978 йил топшириқлари-
ни бажара бориб чинаками-
га қаҳрамонлик намуналар-
ини кўрсатиб фидойилар
билан деҳқончилик ва чор-
вачиликни ривожлантириш
тадбирларини омиёлорлик
билан амалга оширмоқда-
лар.

Ўртоқлар! Бу йилги оби-
ҳаво шаронти деҳқончилиги-
миз учун ниҳоятда огир ке-
лди. Айниқса пахтакорлар-
миз мисли кўрилмаган қи-
йинчиликлар билан бе-
чирдилар. Областимиз хўжа-
ликларида 42,6 минг гектар-
дан зиёд майдонларда чигит
қайта экилди. Айрим райо-
н ва хўжаликларда бу иш
хатто 2—3 марта тас-
ланди. Қайта-қайта ёқир-
сел, жала, дўл ва бўлиб ўт-
ган қаттиқ шамонлар қў-
шимча меҳнат, моддий-тех-
ника ҳаражатлар қилишга
сабаб бўлди. Ҳарорат па-
сайиб кетди, зарарли ҳашо-
ратлар кўпайди. Оқибатда
чигитнинг бир текис униб чи-
қиши, ниҳолларнинг соғлом
ўсиши ва ривожланиши ан-
ча кечикди.

Бундай аҳвол фақат биз-
дагина эмас, балки респуб-
ликамиз ва мамлакатимиз-
нинг кўпчилик районларида
ҳам юз берди. Лекин муҳи-
ми шундаки, областимизнинг
марду-майдон, фидокор, ҳар

ишга қодир меҳнаткашлари
офатлар олдида саросимага
тушмадилар. Ўзларининг
бутун куч-ғайратларини, би-
лим ва тажрибаларини, мод-
дий-техника воситаларини
табиий офат оқибатларини
туғатишга устали билан са-
фарбар этидилар.

Табиий офатлардан катта
зарар кўрган майдонларда
қайта экишни ташкиллий ра-
вишда ўз вақтида сифатли
қилиб ўтказиладиган гўза
парваришини ҳар томонлама
кучайтириб юбордилар. Не-
тижада ҳозирги пайтга ке-
либ областимиз бўйича гўза
қатор ораларига ишлов бе-
ришда 5 марта култивация,
ва 2 марта озиклантириш ўт-
казилди ва учинчи чопиқ
ўтказиш тамомланиш арафи-
сида турбди. Чигитни бир
текс ундириб олишда юз
берган барча қийинчилик-
ларга қарамасдан областим-
из бўйича ҳозир ҳар бир
гектар ерда ўртача 118
минг гўп кўчат сақлаб қо-
лишга, 81 минг гектардан

зиёд майдонда шоналар ҳо-
сил бўлишига ва айрим
майдонларда гўзани гулга
киришга эришди.

Бу йилги шарондта бун-
дай натижаларга биз тиниб-
тинчимас, пахтакорлик ша-
рафини оёзозлаган, аҳдига
вафодор, азамат деҳқонла-
римиз, жононжар мутахассис-
ларимиз ва уларнинг илгор
вакиллари бўлган бугунги
йилгишимиз қатнашчилари
Сизларнинг ва Сизга ўхшаш
мингларча марду-майдон ас-
лет деҳқонларимизнинг қаҳра-
монона меҳнати, партия
ташкилотлари, Совет, қиш-
лоқ хўжалиги органлари,
колхоз ва совхозларимиз-
нинг раҳбарлари олиб
борган катта ташкилотчи-
лик, оммавий-сиёсий ишла-
рининг юксак самарадорлиги
туғайли эришдик.

Машаққатли кунлар ортда
қолди, оқат оқибатлари ту-
гатишмоқда, ҳаво юрийиб,
ҳарорат кўтаришмоқда.
Галдаги вазифа ҳар қандай
шарондта ҳам ҳар бир бри-

гада, бўлим, колхоз, совхоз
ва районда 1978 йилга
олинган социалистик мажбу-
риятларимизнинг албатта ба-
жарилишини таъминлайди-
ган даражада тез ишлар
юқори ҳосил етиштиришдан
иборат.

Ўртоқ Леонид Ильич
Брежнев айтганларидек,
«Ҳаво, ҳаво билан, иш, иш
билан» шioriрга қаттиқ амал
қилимоғимиз керак.

Район партия комитетла-
ри, Совет, қишлоқ хўжалик
органлари, колхоз ва сов-
хозларининг партия ташки-
лотлари, раҳбарлари, мута-
хассислари мавқуд резерв
ва имкониятларини, ишчи
кучларини, моддий-техника
воситаларини гўза ва бошқа
экинлар парваришини кес-
кин кучайтиришга тула са-
фарбар этишлари лозим.

Зиммага олган юксак со-
циалистик мажбуриятлари-
мизни сўзсиз бажариш учун
бизда катта асос бор. Авва-
ло шунинг айтиш керакки, биз
кундалик ишимизда, содир

бўлган қийинчиликларни ен-
гишимизда КПСС Марказий
Комитетининг, Ўзбекистон
Компартияси Марказий Ко-
митетининг ёрдамини сезиб
турибмиз.

Ўртоқлар, табиий офатлар
оқибатларини бартараф
этишда, гўзани ўсиши ва ри-
вожланишининг тезлашти-
ришда катта ишлар амалга
оширилишига қарамасдан
пахтачиликдан ахволин ҳам-
мон яхши деб бўлмайди.
Айрим районлар ва хў-
жаликларда бу соҳада мав-
қуд резерв ва имкониятлар-
дан гўза, самарали фойда-
ланишга эришилгани бўқ.
Натижада областимиз хў-
жаликларида 54 минг гектар
майдондаги гўза ривож
ўтган йилдагига нисбатан 10—
15 кун орқада қолмоқда.
Бунинг устига кўчатларнинг
ўсиши ва ривожланиши бир
текисда эмас. Ҳатто ҳар бир
қаторнинг ўзида яхши ривож-
ланайтган кўчатлар ёнида
ўсишдан орқада қолган гў-
залар мавжуд.

Вазифа шундан иборатки,
бу йилги мураккаб шаронд-
та ўсимликнинг ағлати ҳи-
собга олиниб, агротехник
тадбирларини изчиллик бил-
лан амалга оширишни, таба-
қалаб парвариш ўтказиш
усулига риоя қилишни, яқин
имкониятлар ва резервларни
маълум мақсад йўлида са-
фарбар этишни ҳар бир бри-
гада, ҳар бир хўжаликда
таъминлашга эришсак, ҳар
қандай шарондта ҳам юксак
мажбуриятлар даражасида
мўл эрта пишар ҳосил етиш-
тириш мумкин ва лозим.
Ҳосил яхши парвариш-
ланган ҳар туп ниҳолдан
олинади. Ҳозир область бў-
лишда ҳар бир гектар ерда
118 миғт туп кўчатга эга-
миз. Бу эса ўтган йилдагига
нисбатан 6 минг тупга кам-
дир. Айрим қаргаларда эса
гўза қалинлиги бундан ҳам
кам. Шундай экан, ҳар бир
пахтакорнинг, айнақса меха-
низатор ва сувчиларнинг

(Давоми иккинчи бетда).

БОЛАДАР, ТРАНСПОРТ, ЖАМОАТЧИЛИК

(Суҳбатни подполик
ник Б. П. СОБОЛ
ҳамда «Тошкент ҳақ
ти»нинг ходими Я.
ЛИМОВ олин бордил

нидан буюн шу касола ян-
ла келатган Шафрат ош-
моҳир чевар бўлиш билан
бирга кўчалармон ташиқлот-
чи ҳамдир.

«Баҳор»нинг бошқ-
а тельсариимиздан катта фар-
қи — ўзебқ миллий кийим-
лари — чопон, камзул ва
бошқаларни ҳам тикишни
мўжлакланганлигидир. —
дейди В. И. Ленини номла-
якка буюртма кийимлар ти-
киш ва ремонт қилиш бир-
лашмасининг директори Р.
Қураева, — хозирча бун-
дай кийим бўлар буюдан ки-
якка буюртма бозордан қиди-
масдан атсёбга буюртма бо-
рини кўчилишни мамнун эт-
ди, албатта...

Х. АЛИЕВ.

